

ЭШИТИШ ДИҚҚАТИНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ

Шамсиев Ўқтам Бахридинович

Алфраганус университети профессори Психология фанлари доктори (DSc)

Fatchur Rohman (PhD) Индонезия

Эшитиш диққати – қабул қилишнинг энг қимматли, шу билан бирга, жуда нозик компонентидир. Диққатнинг турли жиҳатлари – унинг ҳажми, турғунлиги, ўзгарувчанлиги, интерференцияси – самарали қабул қилишнинг интегратсияси натижасида намоён бўлади.

Агар қабул қилувчи (аудитор)нинг, диққати барқарор бўлмаса, масалан, ёш болада, ригид тафаккурли ёки заиф асаб тизимли одамларда ўзгарувчанликнинг сустлиги кузатилади. Эмоционал барқарор бўлмаган одамларда юқори интерференциялик бўлган ҳолатларда нутқни қабул қилишда муаммолар кузатилади. “Чалкаштирилган кўрсатма” методикаси топшириқларни тўғри бажариш натижалари орқали диққат хусусиятларини аниқлашга имкон беради. Тажриба иштирокчиларининг вазифаси шундан иборатки, улар оғзаки кўрсатмаларни диққат билан эшитиши ва шу асосда ҳаракатларини амалга ошириш лозим бўлади. Уларга кўрсатмага мос матн тарқатилади.

Оғзаки кўрсатмалар рўйхати. 1. Агар Ф ҳарфи бир марта бўлса ҳам вергул олдида учраса, уни ёзиб қўйинг, бошқа ҳолларда Фаришта сўзидағи “ф” ҳарфи тагига чизиб қўйинг. 2. Агар “сўз” бирлиги янги лексема ҳосил қилишда иштирок этмаган бўлса, тўлқинли чизиқ чизинг, акс ҳолда крест белгисини қўйинг. 3. Агар А ҳарфи алифбода 1-тартиб ракамида турган бўлса, унда Г ва Д ҳарфларининг тартиб ракамлари йигиндисини ёзинг. 4. Агар “макроэкономика” сўзи барча унлиларни қамраб олмаган бўлса, уни ёзманг, балки алифбодаги биринчи тўртта ундошли ёзинг. 5. Агар айланана алифбодаги ҳеч бир ҳарфга ўхшамаслиги нотўғри бўлса, “фаришта” сўзини айланага олинг. 6. Агар “В ҳарфи алифбодаги учинчи ҳарф эмас” деган ёлғонга қўшилмассангиз, бу ерга квадрат чизинг. 7. 10 дан 5 гача сананг ва ҳисобни тескари тартибда ёзинг. 8. Агар қўршапалак ҳайвон эмас, балки қуш бўлса, копток расмини чизманг. 9. Агар Ўзбекистондаги энг катта дарё Амударё бўлмаса, бу ерга “Зарафшон” сўзини ёзинг, бошқа ҳолда бу ерга “ботқоқ” сўзини ёзинг. 10. Мазкур гапдаги иккинчи сўзниңг устига бир чизиқ чизинг.

Тўғри жавоблар. 1) “Ф ҳарфи” биринчи қаторда чизилган. 2) Крест чизилган. 3) 9. 4) Б, В, Г, Д. 5) “Фаришта” сўзи доирага олинган. 6) Квадрат чизилган бўлиши лозим. 7) 5, 6, 7, 8, 9, 10. 8) Копток чизилган. 9) “ботқоқ”

сўзи ёзилган бўлиши лозим. 10) Иккинчида турган “Чизиқ” сўзининг устига чизик чизилган.

Натижалар талқинида барча тўғри бажарилган кўрсатмалар умумий микдори балларда ҳисобланади. Кўрсаткич 5 ва ундан юқори бўлганда қониқарли ҳисобланади, 5 баллдан кам ва умуман топшириқларни бажаришдан бош тортиш қониқарсиз тарзда баҳоланади, бу эшитиш дикқатида нуқсони борлигидан далолат беради.¹

Сўзларни изоҳлаш методи. Векслернинг интеллект тестидағи “луғат субтести” сўзларни бевосита изоҳлаш методининг ўзига хос намунаси ҳисобланади. Мазкур субтестда тажриба иштирокчisi қатор сўзларнинг мазмунини (уларнинг тавсифини бериш) тушунтириши лозим бўлади. Иштирокчи жавобларининг муваффакияти таълим ва тафаккур маданияти, луғат бойлигининг ҳажми меъёри яхши билиши ҳамда сўз маъносини очишда адекват ёндашувни тақозо қиласди. Белгилари тўлиқ тавсиф этилган жавоб юқори баҳоланади – 2 балл, аниқроқ жавоблар пастроқ балл билан – 1, тасодифий ва субъектив белгилар ноль кўрсаткич билан баҳоланади.

Масалан, “нонушта” сўзининг тавсифи қуидагича белгиланади: “эрталабки озуқа, эрталабки тамадди” – 2 балл, “озуқа, нимадир ейилади” – 1; “кофе, бутерброд” – 0 балл. Субтест бўйича жами баллар йиғиндиси ҳисобланади ва шу асосда экспериментатор ёш меъёрлари бўйича индивидуал маълумотлар мувофиқлиги ҳақида хulosаларни чиқаради. А.П.Васильевич (1981) ва Р.М.Фрумкиналар (1980) томонидан ўтказилган қатор экспериментларда сўзнинг ички тузилиши тил онгидаги (лисонда) қай даражада ифодланашини кўрсатишга уриниши. Бунинг учун тажриба иштирокчиларидан энг оддий сўзларга оғзаки тавсиф бериш сўралади.

Агар бу тавсифларда изоҳланаётган сўзнинг ўзаги иштирок этса, ички тузилиш сўзнинг семантик интерпретация жараёнида ўз таъсирини сақлаб қолиши тахмин қилинган. Мазкур метод изоҳланаётган сўзнинг ички тузилиши тил соҳиблари томонидан тушунилишининг муҳимлилик даражасини аниқлашда ҳам қўлланиши мумкин. Шунингдек, бу метод ёрдамида “идиоматизация” коэффициентларини ўлчаш мумкин. Ўлчов натижалари тил соҳибларининг онгидаги у ёки бу сўзнинг луғавий маъноси ҳамда ички шакли муносабатининг реал манзарасини акс эттиради.

Аналитик топшириқлар: мулоҳазаларни тўлдириш, тугаллаш, қайта тиклаш, таснифлаш методи. Бевосита методларга аналитик турнинг

¹. В.Н.Денисенко, Е.Ю.Чеботарева. Современные психолингвистические методы анализа речевой коммуникации: Учеб. пособие. – М.: РУДН, 2008. С. 160.

турли топшириқлари, хусусан, гапнинг бош бўлакларини аниқлаш, гапни таржима қилиш, саволларга жавоб бериш, саволлар бериш, матн мазмунини битта гапда умумлаштириш кабилар киради. Психолингвистик тадқиқотлардаги кенг тарқалган методлардан бири тўлдириш методи ҳисобланади. Бу метод мулоҳазаларни тугаллаш, қайта тиклаш методикаси деб ҳам номланади. Экспериментни ўтказиш тартиби қуйидагича бўлади.

Матндаги (нутқий мулоҳазада) ҳар бир бешинчи, олтинчи ёки қайсиdir ўриндаги сўз тушириб қолдирилади. Ҳар бир сўз бир хил узоқликда тушириб қолдирилади. Тажриба иштирокчиларига тушириб қолдирилган сўзларни қўйиб, матнни қайта тиклаш таклиф қилинади.

Экспериментни ўтказиш тартиби. Тадқиқотчи ҳар тўртта сўздан сўнг туширилган сўзлардан иборат матн намунасини тарқатади. Тажриба иштирокчиси тушириб қолдирилган сўзларни ўрнига кўяди ва тўғри тўлдирилганлигини текширгандан сўнг тўғрилик кўрсаткичи фоизи ҳисобланади. Хулосалар икки ёқлама хусусиятга эга бўлади.

Бир томондан, тажриба иштирокчилари ўз интеллектуал фаолияти кўрсаткичларини, бошқа томондан – ўқилаётган матннинг қийинлик даражасини баҳолашади. Самарали натижаларга эришиш учун тадқиқотда бир эмас, икки ва ундан ортиқ матнлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Намуна учун сўзлари тушириб қолдирилган матнни келтирамиз:

“Айни вақтда жамиятимизда тил _____ ошириш борасида ҳали кўп _____ қилишимиз лозимлигини ҳам унутмаслигимиз _____. Айниқса, баъзан расмий мулоқотларда _____ адабий тил қоидаларига _____, факат маълум бир худуд _____ ишлатиладиган шева элементларини қўшиб _____ ҳолатлари учраб туриши бу _____ ҳали-ҳануз долзарб бўлиб қолаётганини _____. Бу ҳақда сўз юритганда, _____ Алишер Навоийнинг “Тилга эътиборсиз _____ эътиборсиз” деган сўзларида нақадар _____ ҳаётий ҳақиқат мужассам _____ яна бир бор ишонч _____”².

Тўғри жавоблар: 1 – маданиятини, 2 – иш, 3 - зарур, 4 – ҳам, 5 – риоя қилмаслик, 6 – доирасида, 7 – гапириш, 8 – масалаларнинг, 9 – кўрсатади, 10 – бобомиз, 11 – элга, 12 – чуқур, 13 – эканига, 14 – ҳосил қиласиз. Ўтказилган тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, сўзлари тушириб қолдирилган матнларни қайта тиклашнинг ўзига хос хусусиятларига тажриба иштирокчилари ўртасидаги ёш тафовутлари таъсир қилади. Ёши катта реципиентлар топиш қийин сўзларни муваффақиятли ва тез тиклайдилар.

². Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008. Б. 89

Фонетик “шовқинли” сўзлар (сўзниг оҳангига яқин сўзлар) ёш реципиентлар томонидан матнисиз ҳам муваффақиятли равишда қайта тикланади. Ёши катта реципиентлар шовқинли сўзларни гап ичида, матнни тушуниш асосида яхшироқ қайта тиклайдилар. Бу эса фонетик муносабатда фарқлаш қийин бўлган сўзларни аниқлашда ёши катта реципиентлар учун матннинг мазмунини ориентатсіялаш компенсатор механизмини бажаради ва сенсор тизимга муваффақиятли адаптация бўлишига хизмат қиласи деб хулоса чиқаришимизга имкон беради. Шунингдек, тадқиқотлардан яна шу маълум бўлдики, бузилган матнларда гапларнинг бошланғич қисмларига қараганда, охирги элементларини тиклаш муваффақиятли кечади. Бу эса асосан матннинг номи, унинг умумий мавзуси, тикланаётган жумланинг мазмуни, синтактик тузилиши ва бошқа омилларга қараб аниқланади.³

Тажриба иштирокчилари матнни тиклашда турли стратегиялардан фойдаланишади, масалан, баъзилар кўпинча тушириб қолдирилган сўзниг атрофидаги сўзлар билан бевосита боғлиқ ҳолда аниқласа, баъзилар эса кенгроқ матнга таянишади. Бошқа томондан эса, бузилган матнлар когнитив билимлар асосида ҳам муваффақиятли тарзда тикланади.

Психолингвистик тадқиқотларнинг бирида реципиентлар илмий-фантастик мазмундаги матнни муваффақиятли тарзда тиклашди, бу реципиентлар психологик ихтисослиги жиҳатидан илмий фантастика муаллифларига ўхшаш эканлиги аниқланди. Шунингдек, эркин ассоциатив экспериментда камдан кам учрайдиган, ноёб ассоциатсіяларни белгилаган шахслар шакли ўзгартирилган матнни қайта тиклашда жиддий қийинчиликларга учраши маълум бўлди.

Ч.Осгуднинг кўрсатишича, шакли ўзгартирилган матнни қайта тиклашдаги тўғрилик даражаси матннинг “ўқишлилик” кўрсаткичи ҳисобланади, яъни мазкур маълумот муайян “адресат” томонидан қай даражада идрок қилиниши ва тушунилиши мумкинлигини кўрсатади. Агар адресат адресантнинг тилини эгаллаган бўлса, у маълумотни тушуниши ва тушириб қолдирилган ўринларни тўлдириши осон кечади. Агар тушириб қолдирилган ўринларни тўлдириш мураккаблик туғдирса, бу маълумотни тўла ҳолда тушуниш қийин кечади.

Шу ўринда бизнинг тадқиқотларимиз ва Ч.Осгуд тадқиқотлари ўртасидаги мутаносибликларни таъкидлаб ўтиш мумкин. Масалан,

³. Белянин В.П. Основы психолингвистической диагностики: (Модели мира в литературе). - М.: Тривола, 2000. С. 183.

русийзабон гурухларда ўтказилган тадқиқотлар жараёнида бундай матн намунаси тарқатилганда юқоридаги ҳолатнинг гувоҳи бўлдик.

Тўлдириш методининг варианatlаридан бири гапларни тугаллаш методикаси ҳисобланади. Унда экспериментатор томонидан бошланган гапларни тажриба иштирокчилари тугаллаши (оғзаки ёки ёзма тарзда) лозим бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, бир хил бошланган гапларнинг охири ҳар хил бўлиб тугалланиши мумкин. Гапларни тугаллаш бўйича экспериментлар қатнашувчиларга нутқий мулоқотни синтактик ташкиллаштиришнинг анъанавий қоида ва механизмларини яхши тушунишига, тилнинг семантик белгиларини ўрнатишига ёрдам беради.

Адабиётлар

1. Каримова В.М. Оила психологияси: Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун. – Т.: Fan va tehnologiyalar, 2008. – 170 б.
2. Каримова В.М. Саломатлик психологияси ёхуд соғлом бўлиш учун руҳиятни бошқариш сирлари. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – 70 б.
3. Шамсиев Ў.Б. “Оилада мактабгача ёшдаги бола шахси ўзини-ўзи англашининг ижтимоий психологик омиллари” – Психология фанлари номзоди... дисс. автореф: – Т., 2010
4. Шамсиев Ў.Б. “Оилавий муносабатлар тизимида боланинг ўзини-ўзи англаш жараёни” //Ўқув-услубий кўлланма “Мумтоз сўз” нашриёти, 2012 йил, 52-бет.
5. Шамсиев Ў.Б. Bolalarda “men” konsepsiyasining rivojlanishida oilaviy qadriyatlarning o‘rni Markaziy Osiyoda jamiyat, gender va oila 2023/2 (7), 9-b.
6. Family holding as a component of the institution of the family “Вестник интегративной психологии”. – Ярославль, 2023.–№30/2. Журнал для психологов основан в 2002 г. - С.470.